



**USAID**  
AMERIKA XALQIDAN



O'zbekiston  
Respublikasi  
Adliya vazirligi

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ: ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ТОШКЕНТ  
2022

ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ:

**ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН –  
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ**

УЎК 323:34(575.1)(083.7)

КБК 66.3(5Ў)

И 80

Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш: Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари [Матн] : тўплам / Д. Суфиева [ва бошқ.].-Тошкент: Baktria press,2022.-87 б.

Ушбу тўпланда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари таҳлили берилган ҳамда Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳуқуқий таъминлаш масалалари ўз аксини топган бўлиб, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, бизнес ва илмий ҳамжамияти вакилларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларига оид хабардорлик даражасини оширишга мўлжалланган.

Тўплам етти бобдан иборат бўлиб, унда норма ижодқорлиги фаолиятидаги ҳуқуқий ва институционал ўзгаришлар ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари, қонунчиликни тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси, давлат ҳисобига олиш ва эълон қилиш, қонунчиликнинг барқарорлиги, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси доирасидаги истиқболдаги вазифалар таҳлил қилинган.

Мазкур тўплам АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Маҳсулот мазмуни бўйича масъулият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Tetra Tech DPK га юклатилган ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.



### **Муаллифлар:**

**Дилафруз Суфиева,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармасининг бошлиғи,

**Гўзалхон Эргашева,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармасининг бош маслаҳатчиси,

**Сардор Нусратов**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси,

**Иззатилла Исмоилов,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармасининг катта маслаҳатчиси,

**Сирожпўлат Хамроев,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармасининг масъул ходими,

**Анасхон Хамдамов,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармасининг масъул ходими.

### **Тақризчилар:**

**Алишер Каримов,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари,

**Миржалол Аллакулиев,**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бошлиғи,

**Камолiddин Исмолов,**

USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар дастури қонунчилик бўйича эксперти.

Тўплам **USAID**нинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар дастури доирасида тайёрланди.

ISBN 978-9943-7671-6-4

© Д.Суфиева, Г.Эргашева, С.Нусратов,  
И.Исмоилов, С.Хамроев, А.Хамдамов, 2022

© Baktria press, 2022



# МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. Норма ижодкорлиги фаолияти: ҳуқуқий ва институционал ўзгаришлар	7
II. Қонунчиликни тизимлаштириш	45
III. Норма ижодкорлиги фаолияти: сон ва сифат кўрсаткичлари	53
IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси	63
V. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва эълон қилиш	71
VI. Қонунчиликнинг барқарорлиги	77
VII. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси	83



## КИРИШ





Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, барча соҳаларда янги йўналишлардаги мақсадларни белгилаш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ–4947-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегиясида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш бўйича мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланди:



1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш.

-  2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.
-  3. Иқтисодийётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш.
-  4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.
-  5. Ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

2017–2021 йиллар давомида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадларни амалга ошириш бўйича 5 та давлат дастурлари тасдиқланиб, уларда белгиланган жами 1 382 та банддан иборат топшириқлар амалга оширилди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давомида 2017–2021 йилларга қуйидаги номлар берилди:

**2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”;**

**2018 йил – “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”;**

**2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”;**

**2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш йили”;**

**2021 йил – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”.**

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирларда белгиланган масалалар Марказий Осиёда яхши қўшничилик алоқа-

ларининг ўрнатилиши, валюта бозорини эркинлаштириш, давлат хизматлари тизимини ривожлантириш, туризм соҳасини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, аҳоли мувожаатлари билан ишлаш тизими, давлат органларининг очиқлигини таъминлаш, медиа муҳитни кенгайтириш, гендер сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, Олий таълим тизимини ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, қуроли кучларни ривожлантириш ҳамда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига чек қўйиш каби ислохотларни амалга оширишда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Ҳаракатлар стратегияси ҳамда давлат дастурларида белгиланган масалаларни ҳуқуқий таъминлаш, ишларни тизимли равишда ташкиллаштириш мақсадида ҳар бир йўналиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингандан бошлаб шу кунга қадар Адлия вазирлиги томонидан ўттиз мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳисобига олинди, шундан саккиз мингга яқини, яъни 30 фоизга яқини 2017–2021 йилларда қабул қилинган.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирларда белгиланган муддатлар якунланганлиги, шунингдек, кейинги йилларда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт

стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида **юзта** мақсадни ўз ичига олувчи қуйидаги **еттита** устувор йўналиш назарда тутилган.

1. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш.
2. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш.
3. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш.
4. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш.
5. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш.
6. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш.
7. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ мақсадлардан иборат.



## НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ: ХУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР

2017 йилда

2018

2019

2020

2021

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ижрочилар ва аҳолини ҳуқуқий хабардор қилиш сифатини ошириш мақсадида «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 февралдаги ПҚ-2761 -сон қарори қабул қилинди.

Бундан буён тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида кўрсатилади. Ушбу механизм янги

қабул қилинган қонунларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Назоратни амалга ошириш юклатилган масъул давлат органи ва ташкилоти ҳужжат имзолангандан кейин, уни ижро этиш, ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлайди.

Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштирувчи, услубий раҳбарлик ва назорат қилувчи ваколатли орган сифатида белгиланди.

Адлия вазирлиги янги қабул қилинган ҳужжатларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига бир кунлик муддатда жойлаштиради.

Мазкур соҳада вакиллик органларининг ролини кучайтириш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва халқ депутатлари Кенгашларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш соҳасидаги ҳисоботларни эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

### **Lex.uz яратилиши ҳақида:**

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – Lex.uz (кейинги ўринларда Lex.uz деб юритилади) асосий ҳуқуқий ахборот ресурси бўлиб, мамлакатимизда қабул қилинган барча қонун ҳужжатларини эълон қиладиган ягона расмий электрон манбадир.

Lex.uz дан фойдаланишни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий нашр этилишини, уларнинг туркумлаштирилган ҳисобини ва назорат нусхаларини электрон шаклда

юритилишини таъминлаш “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот марказининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

- ➔ Lex.uz Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори асосида жорий қилинган ва 2007 йил 1 майдан расмий ишга туширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 340-сонли “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунчилик ҳужжатлар матнларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ахборотларни аҳоли эътиборига етказиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчиларнинг Lex.uz дан текин фойдаланиши жорий этилган.

“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунинг 17-моддасига асосан Lex.uz га 2017 йил 25 сентябридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардан биридир.



“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари эълон қилинадиган расмий манбаси ҳисобланади.

Lex.uz бошқа манбалардан бир қатор афзалликларга эга:

- ➔ **биринчидан**, ҳужжатлар Lex.uz да нафақат эълон қилинади, балки электрон шаклда киритилиб, уларга ишлов берилади ва фойдаланувчилар учун қулайликлар яратилади, бунда фойдаланувчилар ундан электрон ресурс сифатида фойдаланиш, нусха кўчириш, ҳужжатлар ичида берилган ҳавола-лар орқали бошқа ҳужжатларга тезкор ва осон ўтиш имкониятига эга бўлади. Булардан ташқари кўплаб техник амалий имкониятлар мавжуд;
- ➔ **иккинчидан**, қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тезкор янгилаб борилади, бунда ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга асос бўлган ҳужжатларга ҳаволаларнинг берилиши фойдаланувчилар учун олдинги ва кейинги таҳрир-ларини кўриш ва таққослаш имконини беради;
- ➔ **учинчидан**, базада ҳаволалар ёки муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатиб берган ҳаволаки нормаларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча ахборот сифатида кўрсатилади, яъни уларга ҳавола берилади ва фойдаланувчи бир пайтнинг ўзида ҳам қонун, ҳам қонуности ҳужжати билан танишади;
- ➔ **тўртинчидан**, базада ҳужжатларни турли хил категориялар асосида, шу жумладан қонунчилик тармоқларига кўра қидириш тизимининг мавжудлиги

фойдаланувчилар учун керакли ҳужжатларни топишни осонлаштиради.

Бугунги кунда Lex.uz да ўзбек, рус ва лотин алифбосидаги қонунчилик ҳужжатлари, суд ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари матнларидан ташқари судга оид ҳужжатлар, шартномалар, келишув, битимлар, ишончномалар, корпоратив ҳужжатлар, шахсий таркибга оид ҳужжатлар, ариза, илтимосномалар намуналари, нотариал тасдиқланадиган ҳужжатлар ҳам ўрин олган.

Lex.uz да “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” каби расмий нашрларнинг электрон шакли ҳам жойлаштирилиб, фойдаланувчининг ушбу нашрлар билан танишиш имконияти мавжуд.

Lex.uz да фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, шунингдек, чет эл инвесторлари учун муҳим аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг инглиз тилига таржималари мавжуд бўлиб, уларнинг кўлами кенгайтирилмоқда.

## **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлардан бири сифатида белгиланган.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси:

- ➔ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга;

- ➔ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган лойиҳани қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупциявий хусусиятга эга ҳавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилишга;
- ➔ коррупцияга сабаб бўлган, аниқланган омилларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишга ва чоралар кўришга йўналтирилган жараёндан иборат бўлади.

2017

**2018 йилда**

2019

2020

2021

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- ➔ қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;
- ➔ норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- ➔ норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш;
- ➔ норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон Фармони қабул қилинди.**

Адлия органларини “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарорида қонунчилик йўналишида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазибалари этиб белгиланди:**

- ➔ ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;
- ➔ давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш;

- ➔ ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш;
- ➔ халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;
- ➔ сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини ошириш бўйича тизимли ва изчил чоралар кўриш.

2018 йил 1 майдан бошлаб янги тартиб жорий этилган бўлиб, унга кўра:

- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияга фақат ҳуқуқий экспертиза яқуни бўйича уларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хулосаси мавжуд бўлгандагина киритилади;
- ➔ ҳуқуқий экспертиза яқуни бўйича ҳудудий адлия органларининг ижобий хулосаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг мажбурий шартли ҳисобланади;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан улар манфаатдор ташкилотлар билан келишилганидан сўнг, шунингдек такроран – Вазирлар Маҳкамаси аппарати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий тузилмаларида уларнинг концептуал қоидалари ўзгартирилганида ўтказилади;
- ➔ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар агар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан уларга тегишли ҳужжатни қабул қилиш ёки аниқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколат берилган бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин.

2019 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йил 17 июнгача қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган умуммажбурий идоравий ҳужжатлар, шу жумладан собиқ СССРнинг идоравий ҳужжатлари ўз кучини йўқотди.

2017

2018

2019 йилда

2020

2021

“Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ “гендер-ҳуқуқий экспертиза” тушунчаси қонунчиликка киритилди.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, гендер-ҳуқуқий экспертиза ҳулосаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан ёки қабул қилган органга кўриб чиқиш учун юборилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси:

- ➔ жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга;
- ➔ жинси бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;
- ➔ жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган, аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасида ҳамда бошқа манбаларда, шу жумладан тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши белгиланди.

Халқаро ҳужжатлар:

Мустақиллик даврида шу кунгача халқаро ҳужжатларга қўшилиш бўйича **261** та қонун қабул қилинган бўлиб, шундан **48** таси (**18%**) 2017-2021 йилларда қабул қилинган.

## Мамлакатлар билан икки томонлама тузилган шартнома ва битимлар

Давлат номи	2017 гача	2017– 2021
 Австрия	4	
 АҚШ	5	
 БАА	4	2
 Бангладеш	2	
 Бахрайн	3	
 Беларус	13	4
 Белгия	4	
 Болгария	18	
 Бразилия	5	
 Буюк Британия	4	
 Венгрия	2	1
 Вьетнам	11	
 Германия	6	
 Греция	11	
 Грузия	33	
 Индонезия	3	
 Иордания	5	
 Испания	2	
 Исроил	11	
 Италия	8	
 Канада	1	
 Корея	11	
 Қатар	2	
 Қирғизистон	25	3
 Қозоғистон	24	1
 Кувайт	3	1
 Латвия	17	
 Литва	12	
 Люксембург	1	
 Малайзия	5	


Давлат номи	2017 гача	2017– 2021
 Мальдив	1	
 Молдова	23	
 Миср	5	5
 Монголия	1	
 Нидерландия	4	
 Озарбайжон	35	
 Покистон	12	
 Польша	12	
 Португалия	1	
 Россия	2	32
 Руминия	5	
 Саудия Арабистони	3	
 Сингапур	4	
 Словакия	10	
 Словения	2	
 Таиланд	3	
 Тожикистон	10	11
 Туркия	15	6
 Туркменистон	32	2
 Украина	35	
 Ўмон султонлиги	2	
 Финляндия	2	
 Франция	7	
 Хитой	14	3
 Ҳиндистон	7	2
 Чехия	6	
 Швейцария	4	
 Эрон	7	
 Эстония	1	



Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида биринчи бўлиб “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган.

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида биринчи имзоланган икки томонлама шартнома: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувайт Давлати Ҳукумати ўртасида “Дипломатик паспорт эгаларининг ўзаро визасиз сафарлари тўғрисида” битим.

**2019 йил 1 январдан бошлаб Интернет жаҳон ахборот тармоғида пилот лойиҳаси сифатида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими – Project.gov.uz синов тариқасида ишга туширилди.**




Ягона электрон тизим қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутати:

- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун, шу жумладан уларнинг кенг жамонатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш учун бир вақтнинг ўзида ва тезкор жўнатиш имкониятини яратиш;
- ➔ амалга оширилган ҳаракатларни автомат тарзда расмийлаштириш, тақдим этиш ва қабул қилиш саналарини қайд этиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;
- ➔ электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини, шу жумладан визаларнинг ҳақиқийлиги ва уларнинг долзарблигини тасдиқлаш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнида амалга оширилган ҳаракатлар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлари ва эътирозлари тўғрисида ахборотни тўплаш ва сақлаш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёни ҳамда келишиш Ягона электрон тизим орқали амалга оширилган манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги ахборотни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ягона электрон базасини юритиш, шунингдек, ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларни шакллантиришда ягона электрон базадан фойдаланиш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнини реал вақт режимида бошқариш, мониторинг ва назорат қилиш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва


маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнида вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли тежаш.

### НАМУНА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ СХЕМАСИ (Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси мисолида — ишлаб чиқарувчи Ахборот технологиялари вазирлиги)**



## Project.gov.uz тизими орқали Вазирлар Маҳкамасига киритилган биринчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси:



Лойиҳа номи: “Минерал ўғитлар нарҳини шакллантириш ва уларни биржа аукционларида сотиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

Лойиҳа тури: Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

Лойиҳани ишлаб чиқувчи: АО “Узкимёсаноат”.

Лойиҳа киритилган сана: 01.07.2019 йил.





## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали – Regulation.gov.uz Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилди.



2017

2018

2019

**2020 йилда**

2021

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони қабул қилинди.


Адлия вазирлиги зиммасига қуйидаги қўшимча вазифа ва функциялар юклатилди:

- ➔ барча соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш ишларини самарали йўлга қўйиш, қабул қилинганига кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларга уйғунлаштириш;

- ➔ фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишини таъминлаш;
- ➔ қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмуни ва аҳамиятини аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторларга етказиш кўламини кенгайтириш, бу борада тармоқ вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини ошириш.

Қуйидагилар тасдиқланди:

- ➔ 2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси;





➔ 2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепциясини 2020–2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил 19 майдаги ПҚ-5997-сон  
Фармонига  
2-ИЛОВА

**2020 — 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»**

Олдинги тақрирга қараган:

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш мuddатлари	Масъул ижрочилар
<b>Ҳаёта давлат ҳуқуқий сиёсати сифатини такомиллаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш</b>				
1.	Қонунчиликни тизимлаштириш, «тартибга солувчи гильотина» усулини қўллаган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишни соддалаштириш, шу жумладан қонуности ҳужжатларини қисқартириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи	Комплекс чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р. Довлетов), манфаъаддор вазирлик ва идоралар.

➔ 2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПҚ-5997-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

**2020 — 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)**

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	Йиллик кўрсаткичлар					
			Жорий ҳолат	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
<b>Ҳаёта давлат ҳуқуқий сиёсатини кўришти, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш</b>								
1.	Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидан тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун лойиҳалари ҳажми	%	20	20	30	30	40	40
2.	Адлия вазирлиги томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаган ҳолда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларининг ҳажми	%	0	10	20	30	40	50
3.	Адлия органларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун таъин қилинган мақаллий давлат ҳокимлиги органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари ҳажми	%	80	85	90	95	97	100
4.	Ҳақсий нашоҳларда эътибор қилинган мақаллий давлат ҳокимлиги органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари ҳажми	%	85	90	92	93	94	95
5.	Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базиси орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан танишиш кўлами	сон/1 ойда	600000	1000000	1500000	2000000	2500000	3000000

Давлат башқаруви тизимини самарадорлигини ва ҳуқуқий ҳолатини амалдаги комплекс таҳлил қилиш.

2020 йил 1 июлдан бошлаб Адлия вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилди:

- ➔ хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солинишини тақиқлаш;
- ➔ жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгилловчи ҳуқуқий нормаларнинг фақатгина қонунлар билан ўрнатилишини белгилаш;
- ➔ идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилловчи, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келувчи, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўймаслик;
- ➔ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўймаслик;
- ➔ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни Вазирликда мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий хулоса олингандан сўнг ҳисобга олиниши ва кучга кириш тартибини амалиётга жорий этиш.

2020 йил 1 июлдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда концептуал жиҳатдан янги механизмларни яратишнинг қуйидагиларни назарда тутувчи «пакет» принципи жорий қилинди:

- ➔ янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган ҳаволаки нормалар янги қонун билан бирга ёки қонунда белгиланган муддатда ишлаб чиқилади ва кучга киради;

- ➔ янги қонун лойиҳаси билан белгиланаётган қоидалар илгари қабул қилинган қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этганда, илгари қабул қилинган қонунларга ўзгартириш киритиш янги қонунни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади;
- ➔ вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир хил масаладаги ўзгартириш ва қўшимчаларни битта ҳужжат билан киритади;
- ➔ Вазирликка Идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади, бунда улар айнан бир хил масалада ва техник кўринишда бўлиши лозим.

Қонунчиликни тизимлаштириш ва ортиқча ҳуқуқий тартибга солишни камайитириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўхтатилди.

2020 йил 1 июлдан бошлаб идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғини қабул қилиш амалиёти бекор қилинди ҳамда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга давлат реестри орқали уникал рақам берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилди.

## 2020 – 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

Ягона давлат ҳуқуқий сиёсати сифатини такомиллаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш:

- ➔ Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳар қандай тартибга солишнинг аралашуви асосли, оқилона ва етарли сабабларга эга бўлишини таъминлаш.

- ➔ Янги тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиш бизнес ҳамжамияти, фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли ва жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш ва таҳлил қилингандан сўнг амалга ошириш.
- ➔ Норматив хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий аниқлиги ва прогнози давлат ҳуқуқий сиёсатининг энг муҳим тамойилларига айланиб, бу асосда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини баҳолаш.
- ➔ Ҳуқуқ ижодкорлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг комплекс ёндашувини жорий этиш.
- ➔ Қонунчилик мажмуасини тизимлаштириш, «тартибга солувчи гильотина» усулини қўллаган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишни соддалаштириш ҳамда қонуности ҳужжатларини қисқартириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишни синчков, кенг қамровли ва танқидий таҳлил асосида амалга ошириш.
- ➔ Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ex-post (кейинги) таҳлилини ўз ичига олган қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизимини ўрнатиш.
- ➔ Илмий лингвистик экспертиза механизмларини шакллантириш ва изчил такомиллаштириш.
- ➔ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши, гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг институционал, илмий ва услубий асосларини яратиш ва такомиллаштириш.
- ➔ Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда фаолиятнинг инновацион услулларини норма ижодкорлиги жараёнига жорий этиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини янада такомиллаштириш.

- ➔ Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг ортиқча юкини бартараф этиш орқали «ақлли тартибга солиш» моделини ва стандартлаштирилган таҳлил методологиясини жорий этиш.
- ➔ Фуқаролик қонунчилиги нормаларини энг илғор хорижий амалиётлар билан уйғунлаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро стандартларни жорий этиш.
- ➔ Фуқаролик қонунчилиги институтларини ривожлантириш ва тенг ҳуқуқли субъектлар ўртасидаги хусусий-ҳуқуқий муносабатларга тартибга солишнинг аралашувини минималлаштириш мақсадида тартибга солувчи ва диспозитив нормаларнинг ўзаро ҳуқуқий экспертизасини йўлга қўйиш.
- ➔ Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш, бу борада Вазирлик тизимида ҳуқуқий, институционал ва методик асосларни мустаҳкамлаш, жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш.
- ➔ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини фаол жалб этиш ҳисобига уларнинг фаолиятини такомиллаштириш.

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш 2020 йил 1 июлдан бошлаб синов тариқасида, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб эса тўлиқ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали амалга оширилиши белгиланди.**

**1 июль куни Ўзбекистон тарихида биринчи марта электрон қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.**

Мазкур ҳужжат соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган бўлиб, унга асосан тиббиёт ходимлари томонидан беморларга рецепт ёзишда дори воситаларининг савдо номини эмас, балки унинг таркибидаги таъсир қилувчи моддаларни ёзиш талаб этилади. Бу эса фуқароларга таркиби бир хил бўлган дори воситаларини ўзларининг хоҳишига асосан сотиб олишларига имконият яратади, шунингдек тиббиёт ходимлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларни, тиббиёт ходимлари ва фармацевтика компаниялари ўртасидаги ноқонуний келишувларнинг олдини олишга хизмат қилади.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGIDA  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI  
RO'YXAT RAQAMI: 3277  
2020 - yil 01 - iyul

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIQNI SAQLASH VAZIRINING  
БУЙРУҒИ**

**Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецетпларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон "Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ **бу юраман:**

1. Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецетпларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилин.
3. Маъқур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

Тошкент ш.  
2020 йил, 01 июль



Келишилди:

**Шадманов А. К.**

**Раис**

Тошкент ш.  
2020 йил, 01 июль



**IZAMOV R. SH.**

Электрон тизимнинг жорий этилиши бир қатор қулайлик ва энгилликлар яратади:


- ➔ Адлия вазирлигига киритилаётган ҳужжат қоғоз шаклида берилмайди
- ➔ ва муҳр билан тасдиқланмайди;
- ➔ вазирлик ва идоралар билан келишиш учун электрон рақамли имзодан фойдаланилади;
- ➔ ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади;
- ➔ ҳужжатларни қабул қилиш учун алоҳида адлия вазирининг буйруғи қабул қилинмайди, улар уникал рақам берилган ҳолда электрон давлат реестрига киритилади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилади;
- ➔ давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатлар автоматик равишда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) чоп этилади.

2017 2018 2019 2019

**2021 йилда**

Адлия вазирлиги томонидан норма ижодкорлиги соҳасида сўнги йиллардаги ислохотлар ва хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.





Қонунни янги таҳрирда қабул қилишга зарурат нима эди:

- **биринчидан**, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа-ларини ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш масала-лариягона қонун ҳужжати билан тартибга солинмаганлиги; (бугунги кунда ушбу муносабатлар **10 дан ортиқ** турли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган)
- **иккинчидан**, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига эга қонунларни ишлаб чиқиш-нинг **аниқ тартиби мавжуд эмаслиги** соҳаларнинг **асосан қонуности ҳужжатлари** билан тартибга солинишига олиб келганлиги; (бугунги кунда Қонунчилик миллий базасида қонунлар-нинг улуши **5 фоизга** яқинни ташкил этади)
- **учинчидан**, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эксперимент тартибида қабул қилиш”, “ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиш”, “тартибга солиш таъсирини баҳолаш” каби замонавий норма ижодкорлиги технологияларининг асослари амалда бўлган қонунда белгиланмаганлиги;
- **тўртинчидан**, лойиҳаларни **юридик-техник расмийлаштиришнинг** ягона тартиби мавжуд эмаслиги уларни тайёрлашда **турли амалиёт**

**ва ёндашувлар** шаклланишига сабаб бўлаётган эди.  
(расмийлаштириш **3 та** ҳужжатга кўра **3 хил** тартибда амалга оширилади)

Янги Қонуннинг олдинги Қонундан бир қатор афзаллик жиҳатлари мавжуд бўлиб, унда:


- ➔ қонуннинг **асосий тамойиллари** белгиланмоқда; (қонунийлик, ошкоралик, илмийлик, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги, барқарорлиги ва бошқалар)
- ➔ лойиҳаларни ишлаб чиқишни **режалаштириш** ва **ташаббус қилишнинг аниқ тартиби, босқичлари** ўрнатилмоқда; (лойиҳаларни ишлаб чиқиш **ярим йиллик, йиллик** ва **1 йилдан ортиқ** муддатга режалаштирилади)
- ➔ “**қонунчилик**”, “**қонунчилик ҳужжати**” ва “**қонун ҳужжати**” тушунчаларининг умумъэтироф этилган мазмуни ва норма ижодкорлиги назариясига мувофиқ қўлланилиши таъминланмоқда; (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этади)
- ➔ қандай мазмундаги қонунлар **конституциявий қонунлар** тарзида қабул қилиниши баён этилмоқда; (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари)
- ➔ лойиҳалар **жамоатчилик муҳокамаси** учун Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига **жойлаштирилиши**, лойиҳа бўйича келиб тушган **ҳар бир таклиф** ишлаб чиқувчи томонидан **мажбурий кўриб чиқилиши** белгиланмоқда; (лойиҳаларни муҳокама қилиш муддати **15** календарь кундан кам бўлмаслиги лозим)

- ➔ қонуности ҳужжатларини **тартибга солиш доиралари** аниқ белгиланмоқда; (қонуности ҳужжатларида қонун ҳужжатлари даражасида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар бўйича нормалар белгиланишига йўл қўйилмайди)
- ➔ лойиҳалар юзасидан **ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик, коррупцияга қарши** каби экспертизалар ўтказилиши назарда тутилмоқда; (экспертизани ўтказиш учун хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан мутахассислар **жалб этилиши мумкинлиги** белгиланмоқда)
- ➔ лойиҳаларни вазирлик ва идоралар томонидан **келишишнинг аниқ муддатлари** белгиланмоқда; (**Ўзбекистон Республикаси Президентининг** фармонлари ва қарорлари, шунингдек **Ҳукумат** қарорлари **3** иш кунида, **давлат органлари** ҳужжатлари **5** иш кунида, **қонунлар** эса **7** иш кунида келишилиши лозим)
- ➔ вазирлик ва идоралар раҳбарларининг лойиҳаларни **сифатли кўриб чиқиш** ҳамда **келишиш** бўйича **белгиланган муддатларга** риоя этиши бўйича масъулияти оширилмоқда;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **ҳуқуқий эксперимент** тартибида қабул қилишнинг механизmlари очиб берилмоқда; (норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида муайян **ҳудудда** ёки **шахслар доираси бўйича чеклаган ҳолда** қабул қилинади)
- ➔ қонунчилик ҳужжатлари **мазмун-моҳиятини ижрочиларга** етказиш, уларнинг ижроси устидан **назорат ва мониторинг олиб бориш, тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг** қонуний асослари белгиланмоқда;

➔ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни **юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг Ягона услуги**ни тасдиқланмоқда.

Ушбу Қонун қабул қилиниши натижасида норма ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, норма ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли бўлган барча жараёнларни қонун даражасида мустаҳкамланиши, шунингдек тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиниши таъминланди.

## Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – «E-қарор» тизими



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва

рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарори қабул қилинган.

Қарорга асосан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qaror” тизимини 2021 йилнинг январь – май ойларида Қашқадарё вилоятида апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент амалга оширилиб, унинг натижалари асосида 2021 йил 1 июлдан бошлаб “E-qaror” электрон тизими республиканинг барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “E-qaror” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 22.06.2021 йилдаги 390-сон қарорни қабул қилиниб, қуйидагилар тасдиқланди:

- ➔ Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
- ➔ Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби;
- ➔ Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив тусга эга бўлмаган қарор ва фармойишлар лойиҳаларини “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби;

- ➔ “E-qaror” электрон тизимини барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этиш бўйича “Йўл харитаси”.

2021 йилнинг 18 февраль куни Ўзбекистон тарихида илк бор маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори “E-qaror” ягона электрон тизими орқали қабул қилинди.

- ➔ Мазкур қарор Қашқадарё вилояти ҳокимига тегишлидир.



**Янги онлайн дастурнинг устунлик томонлари, чиқарилаётган қарорлар тўғридан-тўғри “Е-qaror” тизими орқали кенг жамоатчилик бемалол кузатиб бориши мумкин.**

 <https://e-qaror.gov.uz/oz/site/login>

“Е-qaror” электрон тизимини республикамизнинг барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида жорий этилиши уларнинг фаолияти ва иш юритуви шаффофлашишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлишининг олдини олишга, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатларни келтириб чиқарувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган нормалар ўрнатилишининг олдини олишга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги қарори**

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини жорий этишдан мақсад, қонун ҳужжатларининг аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, истеъмолчилар, умуман олганда иқтисодиёт ва жамиятга таъсирини олдиндан аниқлаш, салбий оқибатларни, хусусан ортиқча тартибга солиш, кўп вақт ва маблағ талаб қиладиган нормаларни, бюрократик тўсиқлар ва қоғозбозликка сабаб бўладиган ҳужжатлар ёки қоидаларни бекор қилиш ҳисобланади.

Бундай тартиб сифатсиз ва самарасиз қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини олдини олишга хизмат қилади.

## Қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти

Адлия вазирлиги томонидан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида” ги буйруғи билан (рўйхат рақами 3292, 31.03.2021 й.) қуйидагилар тасдиқланди:

- ➔ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти.
- ➔ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот шакллари.

Услубиётга мувофиқ тартибга солиш таъсирини баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- ➔ “ex-ante” – лойиҳани тартибга солиш таъсирини баҳолаш;
- ➔ “ex-post” – ретроспектив таҳлил асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан жорий этилган тартибга солиш воситасининг таъсирини ўрганиш.

“ex-ante” усулини қўллашда қуйидагилар амалга оширилиши белгиланган:

- ➔ муаммоларни таҳлил қилиш;
- ➔ тартибга солиниши керак бўлган соҳада давлат аралашувининг заруратини (сабабларини) аниқлаш;
- ➔ тартибга солиш орқали эришилиши лозим бўлган мақсадларни белгилаш;



- ➔ муаммони ҳал қилишда муқобил усуллارни ўрганиш, уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликларини аниқлаш ва танланган муқобил усулни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;
- ➔ лойиҳанинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилиш;
- ➔ лойиҳа қабул қилинишидан кутилаётган натижаларни аниқлаш.

“ex-post” усулини қўллашда қуйидагилар амалга оширилади:

- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжат таъсир кўрсатган манфаатдор томонларни таҳлил қилиш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ўрнатилган тартибга солиш воситасининг натижадорлиги, мақсадларига эришилганлиги ҳамда унинг қўлланилиши натижасида вужудга келган ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш;
- ➔ тартибга солиш самарадорлигини ўрганиш;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилиш ва бошқалар.

Адлия вазирининг **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”** ги буйруғи ишлаб чиқилди (рўйхат рақами 3287, 2021-йил 24-февраль).

Мазкур буйруқ билан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг янги тартиби, хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан чек-лист тўлдириш амалиёти жорий қилинди.

**Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича  
 Ч Е К Л И С Т**

Йўналишлар	Коррупциявий омиллар	Жавоблар			Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
		бор	йўқ		
<b>Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши	бор	йўқ		
	Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги	бор	йўқ		
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	бор	йўқ		
<b>Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	бор	йўқ		
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	бор	йўқ		
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги	бор	йўқ		
	Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига қирмайдиған масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	бор	йўқ		
	Вазифа ёки топшириқни бажариш учун иароччила етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ		
	Кечактириб тартибга солиш	бор	йўқ		
	Манфаатлар тўқнашуви	бор	йўқ		
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	бор	йўқ		
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қучга киришини асоссиз равишда кечактириш	бор	йўқ		
Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номуаносибликлар	бор	йўқ			
<b>Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	бор	йўқ		
	Белгиланган қондалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши	бор	йўқ		
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	бор	йўқ		
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ		
	Тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ		
	Санкцияларнинг номуаносиблиги	бор	йўқ		
<b>Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	бор	йўқ		
	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ		
	Шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар	бор	йўқ		
	Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	бор	йўқ		

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирларитўғрисида”** гиқарори (ПҚ–5263-сон, 2021-йил 22-октябрда қабул қилинган)

Илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда жисмоний шахслар, яъни мустақил экспертларга қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши **илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш** ҳуқуқи берилди.

Чек-лист тўлдирилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаслиги ва ишлаб чиқувчига қайтарилиши белгиланди.

Вазирлик томонидан 2021 йил давомида **892 та** амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шундан **476 таси** ҳудудий адлия органлари (хусусан, адлия бошқармалари 5 тадан, бўлимлар эса 2 тадан норматив-ҳуқуқий ҳужжат) билан ҳамкорликда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.

Коррупцияга қарши экспертиза натижасида **224 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда (**27 та** қонунлар, **15 та** Президент фармони, **28 та** Президент қарори, **117 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарори, **37 та** идоравий-норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда) **660 та** коррупциявий омиллар аниқланди.



## Қонунчиликни ТИЗИМЛАШТИРИШ

Ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш, энг аввало тадбиркорлик фаолиятига нисбатан тартибга солиш юкини камайтириш, норматив-ҳуқуқий базанинг тизимлилигини ва комплекслилигини таъминлаш мақсадида қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услуби жорий этилди.

Адлия вазирлиги томонидан барча соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш орқали қонунчилик базасини қисқартириш ёки бошқа сўз билан айтганда кесиб ташлаш ("тартибга солувчи гильотина" усули орқали) ишлари самарали йўлга қўйилди.

**Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг биринчи кўриниши бу – бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотган, аҳолининг ҳаётига таъсир қилмаётган ҳужжатларни бекор қилишдир. Иккинчи кўриниши бу – бир масала юзасидан қабул қилинган бир нечта ҳужжатларни бекор қилиб, улардаги қоидаларни ягона ҳужжатга бирлаштиришдир.**

### Биринчи йўналиш:



498 та

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони билан **498** та ўз аҳамиятини йўқотган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари бекор қилинди (**392** таси тўлиқ, **106** таси қисман ўз кучини йўқотган деб топилди). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони билан **380** та ўз аҳамиятини йўқотган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари бекор қилинди (**244** таси тўлиқ, **136** таси қисман ўз кучини йўқотган деб топилди).



1887 та

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сон қарори билан **1 887** та ўз аҳамиятини йўқотган ва тартибга солиш юкини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқараётган Ҳукумат қарорлари бекор қилинди (**90** фоизи яхлит, **10** фоизида эса айрим бандлари бекор қилинган).



51

Бекор бўлган Ҳукумат қарорларининг 51 фоизи 1990 – 2000 йилларда, 35 фоизи 2000 – 2010 йилларда ва 14 фоизи 2010 – 2020 йилларда қабул қилинган ҳамда бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлар ҳисобланади.

Бекор бўлган Ҳукумат қарорларининг мазмунига эътибор бериладиган бўлса, уларнинг аксарияти:

- ➔ аҳолининг ҳаётига ва тадбиркорлар фаолиятига таъсир қилмаётган ҳужжатлар (масалан, “Келин-куёвларга мебель, гилам ва гилам поёндозларни сотишнинг имтиёзли тартиби тўғрисида”, “Уннинг улгуржи нархини ўзгартириш тўғрисида”, “Алоҳида озик-овқат турларига чегаравий нархлар тўғрисида”);
- ➔ маъмурий ислохотлар ҳамда янги ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида ўз аҳамиятини йўқотган (масалан, “Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги колхозларда қурилиш бўйича жумҳурият давлат-кооператив бирлашмаси “Ўзколхозқурилиш”ни ташкил этиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари);
- ➔ бир маротаба қўлланувчи ёки муайян муддат давомида амалга ошириш мўлжалланган топшириқлар (масалан, “Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳридаги Жигаристон посёлкасида рўй берган табиий офат – кўчки оқибатларини текшириш натижалари юзасидан Ўзбекистон ССЖ прокуратурасининг ахбороти ҳақида”, “Ал Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича II халқаро турнирни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари);
- ➔ маълум бир ташкилот ёки фондларни тугатиш бўйича қабул қилинган ҳужжатлардан иборат (жумладан, “Сиёсатшунослик ва бошқарув институтини тугатиш тўғрисида”, “Ўзсемхлопок” республика ишлаб чиқариш бирлашмасини тугатиш тўғрисида”ги қарорлари).

## Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқартириш бўйича

### МАЪЛУМОТ


2021 йил 31 декабрь ҳолатида

2021 йил давомида жами **488** та ҳужжат бекор қилинди\*

Шундан:

**203** таси яхлит;

**285** таси ўзгартириш ва қўшимчалар.




2020 йил давомида жами **373** та ҳужжат бекор қилинган.

Шундан:

**124** таси яхлит;

**249** таси ўзгартириш ва қўшимчалар.




2019 йил давомида жами **461** та ҳужжат бекор қилинган.

Шундан:

**196** таси яхлит;

**265** таси ўзгартириш ва қўшимчалар.




2019 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабрга қадар жами **1322** та ҳужжат бекор қилинди\*\*.

Шундан:

**523** таси яхлит;

**799** таси ўзгартириш ва қўшимчалар.




\* 2021 йил бошидаги **1313** та яхлит ҳужжатлар 31 декабрь ҳолатида **1164** тани ташкил қилди (2021 йилнинг ўзида амалдаги яхлит ҳужжатлар сони **11.34** фоизга қисқарди)

\*\* 2019 йил 1 январда яхлит ҳужжатлар сони **1500** тани ташкил этган бўлиб, 2021 йил 31 декабрда уларнинг сони **1164** тага туширилди ҳамда яхлит ҳужжатларни қисқартириш кўрсаткичи **22.4** фоизни ташкил қилди

## Адлия вазирлиги томонидан Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида жойлаштирилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги қарорлари хатловдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони ижроси доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **4 339** та эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлари бекор қилинди.

### “Тартибга солиш гильотинаси” усулини қўллаш орқали бекор қилинган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари





## Иккинчи йўналиш:

2020 йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–6218-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда қуйидаги масалалар ўз аксини топган.



**Биринчидан**, қонунчиликни сон жиҳатдан тизимлаштириш эндиликда сифат жиҳатдан яхшиланмоқда.

Ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлардан қонунчиликни “тозалаш”дан кейин навбат ҳужжатлар мазмунини яхшилашга келди.

Бу борада икки йўналишда иш олиб борилиши режалаштирилган:



- 1) консолидация, яъни **120** дан ортиқ давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи **1 600** дан зиёд тарқоқ ҳужжатларнинг бирлаштирилиши.

Бу жуда муҳим масаладир, сабаби бугунги кунда битта вазирликнинг ваколатларини тушуниш учун камида ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ўрганиш ёки қўшимча вақт ва молиявий харажатларни талаб қиладиган юридик маслаҳат олиш зарур. Ўз навбатида, ўнлаб турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрнига, тегишли давлат органи фаолиятига оид барча асосий масалалар батафсил баён этилган битта ҳужжатнинг талабларини тушуниш ва уларга риоя қилиш осонроқ.



2) амалдаги ҳуқуқий базани қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш. Бунинг учун **60** га яқин энг муҳим соҳалар кесимида амалдаги ҳужжатлар тизимлаштирилади. Ушбу иш нафақат ҳужжатлар сонининг камайишига, балки уларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади. Жумладан, тизимлаштириш жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли муаммоларга олиб келувчи такрорланишлар, зиддиятлар, ҳуқуқий бўшлиқлар ва бошқа камчиликлар бартараф этилади.



**Иккинчидан**, Адлия вазирлиги бу борада масъул ижрочиларга услубий ёрдам кўрсатади, шунингдек, Фармонда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради.


Фармонда белгиланган қоидаларининг амалга ошириш механизмларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш тартиби масъул ижрочилар учун Фармонга илова қилинган икки схемада батафсил кўрсатилган.

Фармон билан эндиликда қонунчиликни сифат жиҳатидан тизимлаштиришнинг янги босқичини амалга ошириш бошланди.

Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ёки бошқа сўз билан айтганда уларни камайтириш:

- ➔ биринчидан, фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан айнан қайси ҳужжатдан фойдаланса, тўғри бўлади, деган саволга ечим топилади;
- ➔ иккинчидан, ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишда ва ҳуқуқшунос хизматлари билан боғлиқ сарф-харажатлар қисқаришига хизмат қилади;
- ➔ учинчидан, қонунчиликдаги такрорланишлар ва тафовутларнинг бартараф этилишига олиб келади.

## Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар



Адлия вазирлигининг ташаббуси билан жами **8 426** эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлар бекор қилинган бўлиб, бу амалдаги ҳуқуқий базанинг қарийб **28** фоизини ташкил этади.

Жами **29 964** та ҳужжатдан **8 426** та ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилиди.



## Норма ижодкорлиги фаолияти: сон ва сифат кўрсаткичлари

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
марказий аппаратининг тузилмасида қонунчилик  
йўналишида қуйидаги таркибий тузилмалар  
мавжуд:**

- ➔ Қонунчилик бош бошқармаси;
- ➔ Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси;
- ➔ Иқтисодий қонунчилик бошқармаси;
- ➔ Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси;
- ➔ Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармаси;
- ➔ Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси;
- ➔ Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бошқармаси;
- ➔ Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси;
- ➔ «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.


Бугунги кунда ушбу бошқармаларда жами **153** та ходим фаолият юритиб, уларнинг **32** тасини (**21 %**) аёллар ташкил этади. Жами ходимларнинг ўртача ёши **30–35** ёш.

**“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини улар манфаатдор ташкилотлар билан келишилганидан ва бошқа турдаги экспертизалар амалга оширилганидан сўнг ўтказди.**

Ҳуқуқий экспертиза жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза яқунларига кўра Адлия вазирлиги томонидан хулоса тақдим этилади.

## Қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси



2017 й. 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й.

2021 йил мобайнида Адлия вазирлигига вазирлик ва идоралар томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун жами **2 554 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси киритилиб, шундан **2 246 таси (87 %)** ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган, **308 таси (13 %)** эса Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига мувофиқ тақдим этилмаганлиги сабабли қайтарилган.

Вазирлик томонидан ўтказилган ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича **1 606 та (71 %)** норматив-ҳуқуқий ҳужжат

- \* Ҳуқуқий экспертизасига киритиш тартибига амал қилмаган ҳолда киритилганлиги учун қайтарилган лойиҳалар – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритишга доир талабларга риоя қилинмаган ҳолда киритилган лойиҳалар тушунилади.
- \*\* Мақсадга мувофиқ деб топилган лойиҳалар – ишлаб чиқилган лойиҳани норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топилган лойиҳалар тушунилади.
- \*\*\* Мақсадга мувофиқ эмас деб топилган лойиҳалар – ишлаб чиқилган лойиҳани норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган лойиҳалар тушунилади.


лойиҳасига уларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар берилган, **640 таси (29 %)** – концептуал эътирозлар билан уларнинг тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосалар билан ишлаб чиқувчиларга қайтарилган.

2017 йил давомида ҳуқуқий экспертиза учун келиб тушган **3 163 та** лойиҳанинг **2 171 таси (68 %)** Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлиб, шундан **154 таси (7 %)** норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб топилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига коррупциявий экспертиза, тартибга солиш таъсирини баҳолаш каби босқичларнинг жорий этилиши натижасида, 2021 йилга келиб Адлия вазирлиги томонидан мақсадга мувофиқ эмас деб топилган лойиҳалар сони 2017 йилдагига нисбатан 4 баробарга кўпайганини кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида ўтказилаётган ҳуқуқий экспертиза ва таҳлиллар ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг сифатини оширишга хизмат қилаётганини кўрсатади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштириш ва шу каби бошқа талабларга риоя этмаган ҳолда ҳуқуқий экспертиза учун киритилган лойиҳалар Адлия вазирлиги томонидан қатъий равишда қайтарилмоқда.

## Идоравий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси



Адлия вазирлигига 2021 йил давомида жами **567** та (шундан **20** таси ўтган чоракдан қолдиқ бўлиб ўтган) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинган бўлиб, уларнинг **273** таси (**48%**) давлат рўйхатидан ўтказилган, **231** таси (**41%**) эса, эътирозлар билан давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган, **36** таси (**6%**) тақдим этган органнинг хатига асосан қайта ишлаш учун қайтариб олинган, **10** таси (**2%**) Адлия вазирлиги хулосасига асосан давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган деб топилган, қолган **17** таси (**3%**) кейинги ҳисобот даврига қолдиқ бўлиб ўтган.

Қонунчиликни тизимлаштириш ва ортиқча ҳуқуқий тартибга солишни камайтириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўхтатилганлиги сабабли 2020 йил давомида давлат рўйхатидан ўтказилган лойиҳалар сони 2019 йилдагига нисбатан **2** баробарга камайган.




Ҳуқуқий нормаларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгилаш фақатгина бир неча давлат органлари иштирокида амалга оширилишини, юқори турувчи органлар иштирокисиз қабул қилинишини инobatга олганда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида пухта ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу кўрсаткичларга кўра 2017 йил давомида рўйхатдан ўтказилган ҳужжатлар **482** тани, рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳужжатлар **96** тани, реестрдан чиқарилган ҳужжатлар **164** тани, рўйхатдан ўтказилмасдан қабул қилинганлиги учун бекор қилинган ҳужжатлар **12** тани ташкил этади.

Таҳлил қилинган йиллар давомида 2018 йилда энг кўп, яъни **584** та ҳужжат Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, энг кам кўрсаткич 2021 йилда **273** тани ташкил этади.

## Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги



2017 й. 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й.




## 2020–2021 йиллар давомида Project.gov.uz тизими орқали ўтказилган қуйидаги НХҚ лойиҳалари ҳажм жиҳатдан кўплиги маълум бўлди:



Лойиҳанинг номланиши	ID рақами	Муаллиф	Лойиҳа тури	Варақ сони
<b>Қонун лойиҳаси</b>				
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида	ID–23074	Бош прокуратура	Қонун лойиҳаси	<b>395</b>
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини тасдиқлаш тўғрисида	ID–18392	Бош прокуратура	Қонун лойиҳаси	<b>186</b>
Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодексини тасдиқлаш тўғрисида	ID–23138	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Қонун лойиҳаси	<b>146</b>
<b>Президент фармони лойиҳаси</b>				
Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида	ID–25236	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Президент Фармони лойиҳаси	<b>165</b>
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Фармони лойиҳаси	ID–45670	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	Президент Фармони лойиҳаси	<b>94</b>
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ ва божхона имтиёзларини янада тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармон лойиҳаси	ID–27983	Молия вазирлиги	Президент Фармони лойиҳаси	<b>80</b>
<b>Президент қарори лойиҳаси</b>				
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 2022 йилги таҳририни жорий этиш тўғрисида	ID–52180	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Президент қарори лойиҳаси	<b>686</b>
Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини комплекс тизимлаштириш тўғрисида	ID–50969	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Президент қарори лойиҳаси	<b>210</b>

Лойиҳанинг номланиши	ID рақами	Муаллиф	Лойиҳа тури	Варақ сони
Ўзбекистон Республикасининг 2022–2024 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	ID–49181	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Президент қарори лойиҳаси	146
<b>Ҳукумат қарори лойиҳаси</b>				
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати-нинг айрим қарорларини ўзаро мувофиқлаштириш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони)	ID–50333	Адлия вазирлиги	Вазирлар Маҳкамаси Қарори	848
Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортда юк ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида	ID–24247	Транспорт вазирлиги	Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳаси	346
Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида	ID–45727	Қурилиш вазирлиги	Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳаси	279






## Лойиҳани ишлаб чиқувчилар рейтингини (Project.gov.uz тизими орқали Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага киритилган лойиҳалар асосида).

2019 йилда энг кўп НХҲ лойиҳаларини Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага киритган ташкилотлар бешталиги:






- 1)  Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (112 та лойиҳа);
- 2)  Молия вазирлиги (111 та лойиҳа);
- 3)  Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (103 та лойиҳа);

- 4)  Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (**89** та лойиҳа);
- 5)  Соғлиқни сақлаш вазирлиги (**77** та лойиҳа).

2020 йилда энг кўп НХҲ лойиҳаларини Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага киритган ташкилотлар бешталиги:

- 1)  Молия вазирлиги (**121** та лойиҳа);
- 2)  Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (**86** та лойиҳа);
- 3)  Давлат активларини бошқариш агентлиги (**83** та лойиҳа);
- 4)  Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (**79** та лойиҳа);
- 5)  Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (**77** та лойиҳа).

2021 йилда энг кўп НХҲ лойиҳаларини Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага киритган ташкилотлар бешталиги:

- 1)  Молия вазирлиги (**103** та лойиҳа);
- 2)  Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (**93** та лойиҳа);
- 3)  Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (**88** та лойиҳа);
- 4)  Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (**85** та лойиҳа);
- 5)  Ички ишлар вазирлиги (**82** та лойиҳа).

## Энг кўп НҲҲ лойиҳаларини **Project.gov.uz** тизими орқали Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага киритган ташкилотлар





## НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

**“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (Regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.**

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини порталга уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органга кiritишдан олдин жойлаштиради.

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг порталдаги жамоатчилик муҳокамаси муддатини тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди ҳамда бу муддат порталда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилган кундан эътиборан ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларидан тушган фикр-мулоҳазаларни ва (ёки) таклифларни ҳисобга олишни ишлаб чиқувчи қабул қилинган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларга мувофиқ лойиҳани маромига етказиш йўли билан амалга оширади.

Келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифлар рад этилган тақдирда, ишлаб чиқувчи уларни рад этиш сабабини асослаши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари, қоида тариқасида, келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган ҳолда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга (кўриб чиқиш учун) киритилади.

## **2018 йил 24 июлдан Regulation.gov.uz – Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари муҳокамаси порталининг янги талқини ўз ишини бошлади.**

Янги версия қуйидаги қулайликларга эга:

- ➔ фойдаланувчилар ягона идентификация тизими ёрдамида ёки ижтимоий тармоқлар орқали порталга киришлари мумкин;
- ➔ фойдаланувчилар учун алоҳида “кабинет” мавжуд бўлиб, бу борада фойдаланувчига қўшимча қулайликлар яратилган;

- ➔ интерфейс уч тилда яратилганлиги сабабли, бир вақтнинг ўзида учта тилда ҳужжатлар лойиҳасини яратиш ва учта тилда шарҳ қолдириш мумкин;
- ➔ фойдаланувчилар ўз хоҳишига кўра ўз таклифларини аноним шаклда юборишлари мумкин;
- ➔ фойдаланувчилар махсус форумда амалдаги қонунлар бўйича ўз фикрларини билдиришлари ва ўзаро фикр алмашишлари мумкин;
- ➔ давлат ташкилотлари учун ҳужжатларни жойлаштириш ва расмийлаштиришнинг соддалаштирилган жараёни жорий этилди.

### **2020 йил октябрь ойида Адлия вазирлиги Regulation.gov.uz порталининг янгиланган версиясини тақдим этди.**

Янги версияда порталнинг функционал имкониятлари янада кенгайтирилди, шунингдек, фойдаланувчилар учун қўшимча қулайликлар яратилди.

Эндиликда қонун ҳужжатлари лойиҳасига ишлаб чиқувчилар томонидан илова қилинган ахборот-таҳлилий материаллар билан танишиш мумкин бўлди. Шу муносабат билан, порталга тўлдириши мажбурий бўлган майдонлар киритилди. Ахборот-таҳлилий маълумотлар жойлаштирилмаса, лойиҳа порталга юкланмайди. Бу эса, ўз навбатида жамоатчилик манфаатлари учун хизмат қилади. Фойдаланувчилар тегишли лойиҳа нима учун ишлаб чиқилгани, у нималарни назарда тутиши, давлат бюджетидан қандай харажатлар келиб чиқиши мумкинлиги ва уни қабул қилингандан кейин юзага келиши



мумкин бўлган бошқа оқибатларга оид маълумотлар билан танишиши имконияти яратилди.

Керакли маълумотларни қидириш мезонлари ва шунга мос равишда турли статистик маълумотларни тўплаш имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Тегишли лойиҳаларни калит сўзлар, рақамлар (ID ва рақамли шартларда бошқа тафсилотлар), ишлаб чиқувчилар, сана ва ҳужжат шакли бўйича қидириш имконияти яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори асосида қидирув функцияси жорий этилди. Бу билан, муайян соҳадаги қонунчилик фаолиятини мониторинг қилиш имконияти яратилди.

Шахсий кабинетнинг жорий интерфейси ва параметрлари қайта кўриб чиқилди. Фойдаланувчилар фаолият турини кўрсатиши ва шу асосда керакли маълумотларни почта орқали жўнатиш учун обуна бўлишлари, ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича каталоглар тузишлари, турли сўровларда қатнашишлари ва порталда жойлаштирилган лойиҳалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини қолдиришлари мумкин.


Шарҳ бериш функцияси бутун лойиҳа, унинг алоҳида қисми, унга бириктирилган ахборот ва аналитик материаллар, таҳрирлаш (грамматик хатоларни тузатиш, грамматик хатолар ҳақида ишлаб чиқувчиларни хабардор қилиш) бўйича шарҳ бериш имкониятини ўз ичига олади. Ҳар бир портал фойдаланувчиси лойиҳанинг ўз версиясини ишлаб чиқувчига юбориши, коррупция, гендер омиллари ва бошқаларни кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, лойиҳанинг мазмунини унда фойдаланилган атамаларнинг осон (енгил) тушунилишини

ҳамда умуман лойиҳа сифати ва ишлаб чиқувчининг ишини баҳолаш имкони яратилган.

Терминологияни, умумий лойиҳа ва ишлаб чиқувчининг иши сифатини баҳолаш имконияти яратилган.

Ушбу чора-тадбирлар норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик қизиқишини ошириш, матнни тушуниш ва уни амалиётда қўллашни осонлаштириш учун турли томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, сифатли ва тушунарли тилда қонун ҳужжатларини тайёрлашга қаратилган.

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси



Таҳлил қилинаётган йиллар давомида жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сони бўйича энг кўп кўрсаткич 2019 йилда қайд этилган бўлиб, ўтган йилгига нисбатан **2,5** бараварга кўп, яъни **3 664** тани ташкил этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамасига чиқариш йилдан йилга ошиб бориб, 2018 йилда мазкур кўрсаткич **332** тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда **2 005** та маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган.

Норма ижодкорлиги жараёнига ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш босқичининг жорий этилиши орқали мавжуд муаммо таҳлили, уни ҳал этиш йўллари, рақобатга таъсирини баҳолаш, янги тартибга солиш воситаларини жорий этишнинг эҳтимолий оқибатларини прогнозлаш ва баҳолаш, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди.

## Жамоатчилик муҳокамаси жараёнида энг кўп таклифлар келиб тушган лойиҳалар

### ОММАБОП НҲҲ ЛОЙИҲАЛАРИ

1035

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

849

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИ (ЯНГИ ТАҲРИР)

734

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАШҚИ РЕКЛАМАНИ ЖОЙЛАШТИРИШГА ОИД ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

721

УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ ЙЎЛ БЎЙИ МИНТАҚАЛАРИДАГИ ЕР УЧАСТКАЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИДА ТАШҚИ РЕКЛАМА ОБЪЕКТЛАРИНИ (КОНСТРУКЦИЯЛАРИ) ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ, УШБУ УЧАСТКАЛАРДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВИНИ КЕЛИШИШ ҲАМДА УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

725

ПЕДАГОГ ХОДИМНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА

## Жамоатчилик муҳокамасида энг фаол иштирок этувчилар

**ЭНГ ФАОЛ ФЙОДАЛАНУВЧИЛАР**

Таклифлар сони      Мутахассислик бўйича

ФЙОДАЛАНУВЧИЛАР	Таклифлар сони	Мутахассислик бўйича	Мутахассислик бўйича	Мутахассислик бўйича
Jahongir Mallarov	770	0	1	
ALISHER XOLMUROD O'GLI SUYUNOV	421	31	18	
Ulugbek Aka - Uz	259	0	0	
Абдурашид Дамиев	277	0	0	
FARXOD TALATOVICH XAYDAROV	224	0	11	

**ЭНГ ФАОЛ ФЙОДАЛАНУВЧИЛАР**

Таклифлар сони      Мутахассислик бўйича

МУТАХАССИСЛИКЛАР	Таклифлар сони	Мутахассислик бўйича	Мутахассислик бўйича
Тадбиркор	3658	219	51
Давлат хизматчиси	1758	58	20
Мустақил ишланувчи	1233	90	19
Илмий ишланувчи	766	72	16
Дастурчи	233	10	3

Жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)) орқали таклиф билдирган соҳа вакиллари орасида тадбиркорлик фаолияти субъектларидан энг кўп таклиф ва эътирозлар келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич давлат хизматчилари томонидан билдирилган таклифлардан (**1 758** та) икки барабар кўп, яъни **3 658** тани ташкил этади.

Ушбу кўрсаткич тадбиркорлик фаолияти субъектларининг норма ижодкорлиги жараёнига ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қизиқиши юқори эканлигини ифодалайди.



## НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ОЛИШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш Қоидаларида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3311) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш тартиби белгиланган.**


Асосий тушунчалар:

- ➔ **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни марказлаштирилган тарзда йиғиш, ҳисобга олиш, уларнинг фондларини яратиш ва назорат нусхаларини юритиш ҳамда улар ҳақидаги марказлаштирилган ахборотни шакллантириш;
- ➔ **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклдаги реестрга киритиш орқали ҳисобга олиш, матнларини йиғиш ва сақлаб туриш;

- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби реестри (бундан буюн матнда Давлат ҳисоби реестри деб юритилади) – норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, тури, қабул қилган орган, қабул қилиш санаси ва унинг рақами, кучга кириш санаси ва амал қилиш муддати, расмий нашрларда эълон қилиниши тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги, шунингдек, ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича коди ҳақидаги маълумотлар ифодаланган реестр;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шаклдаги реестри – давлат органлари томонидан юритиладиган ва уларнинг расмий веб-сайтларида доимий жойлаштириб бориладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхат;
- ➔ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхаларини юритиш – норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнларига уларни қайта кўриб чиқишга асос бўлган (ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги) ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни киритиш.

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби ва тарқатилиши” ахборот тизими орқали амалга оширилади.

### Давлат ҳисобига олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар



2017 й. 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й.

2017 – 2021 йиллар давомида жами бўлиб **12 619** та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилган бўлиб, 2019 йилда энг кўп, яъни **2 971** та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинган.

1991 йилдан шу кунга қадар **35** мингдан ортиқ ҳужжатлар давлат ҳисобига олинган бўлиб, сўнги беш йилда қабул қилинган ҳужжатлар сони ҳуқуқий базанинг деярли **30** фоизини ташкил этади.



Таъкидлаш жоизки, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, агар ҳуқуқий ахборот давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига белгиланган тартибда киритилган бўлса, ушбу ахборотдан фойдаланиш чекланади.

Шу боис, “хизмат давомида фойдаланиш учун”, “эълон қилинмайди” белгисига эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳисобига олиш ҳамда ҳуқуқий экспертиза жараёнида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг электрон фонди – Fond.uz ҳимояланган базасига жойлаштирилади.


### **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ҳамда “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунларга мувофиқ:**

- ➔ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;
- ➔ “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;

- ➔ “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси”, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;
- ➔ “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси”, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

### Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари маълумотлари миллий базасида расмий эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар



**2017 й.**   **2018 й.**   **2019 й.**   **2020 й.**   **2021 й.**

2017–2021 йиллар давомида Қонунчилик маълумотлари миллий базасида жами **10 254 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинган бўлиб, шундан **321 тасини** Ўзбекистон Республикаси қонунлари, **548 тасини** Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, **1 471 тасини** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, **3 149 тасини** Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, **2 057 тасини** идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, **2 708 тасини** маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ташкил этади.

2017–2021 йилларда қабул қилинган ҳужжатларнинг 3 фоизини қонунлар, қолган 97 фоизини қонуности ҳужжатлари ташкил этади.




## ҚОНУНЧИЛИКНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясининг 1-чи йўналиши қонунчи-лик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлашни назарда тутди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг асосий принципларидан бири – ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлигидир.

2017–2021 йилларда қабул қилинган **319** та қонундан **84** таси (26%) яхлит қонунлар, **235** таси (74%) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ратификация қилиш ва халқаро шартномаларга қўшилиш, орден ва медаллар таъсис етиш, байрамлар ва касб кунларини белгилаш тўғрисидаги қонунлардир.

## 2010–2021 йилларда қабул қилинган қонунлар (2022 йил 12 январь ҳолатига)



2022 йил январь ҳолатига кўра 2020 йилда қабул қилинган қуйидаги яхлит қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган:

- 1) “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида” (01.01.2023 йилда кучга киради);
- 2) “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”;
- 3) “Инновацион фаолият тўғрисида”;
- 4) “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”.

Қабул қилинаётган қонунларнинг барқарорлик муддати бир йилни ташкил этимоқда.

## Амалдаги кодекслар (2022 йил 12 январь ҳолатига)










Кодекс	Қабул қилиш санаси	Кодексни қайта кўриб чиқишга асос бўлган ҳужжатлар сони
1. Ҳаво кодекси	07.05.1993	15
2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс	22.09.1994	162
3. Жиноят кодекси	22.09.1994	104
4. Жиноят-процессуал кодекси	22.09.1994	102
5. Фуқаролик кодекси (биринчи қисм) Фуқаролик кодекси (иккинчи қисм)	21.12.1995 29.08.1996	39 41
6. Меҳнат кодекси	21.12.1995	41
7. Жиноят-ижроия кодекси	25.04.1997	26
8. Оила кодекси	30.04.1998	25
9. Ер кодекси	30.04.1998	24
10. Уй-жой кодекси	24.12.1998	21
11. Бюджет кодекси	26.12.2013	28
12. Божхона кодекси	20.01.2016	13
13. Фуқаролик процессуал кодекси	22.01.2018	16
14. Иқтисодий процессуал кодекси	24.01.2018	16
15. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс	25.01.2018	12
16. Сайлов кодекси	25.06.2019	3
17. Солиқ кодекси	30.12.2019	15
18. Шаҳарсозлик кодекси	22.02.2021	0

Бугунги кунда **18** та кодекс қабул қилинган.

Амалдаги кодексларнинг барқарорлик муддати ўртача **6** ойни ташкил этмоқда.

## Кодекслар барқарорлиги

- 1) Ҳаво кодекси – ўртача ҳар икки йилда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 2) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс – ўртача ҳар икки ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 3) Жиноят кодекси – ўртача ҳар уч ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 4) Жиноят-процессуал кодекси – ўртача ҳар уч ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 5) Фуқаролик кодекси:
  - а) биринчи қисм – ўртача ҳар етти ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган;
  - б) иккинчи қисм – ўртача ҳар етти ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 6) Меҳнат кодекси – ўртача ҳар етти ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 7) Жиноят-ижроия кодекси – ўртача ҳар ўн ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 8) Оила кодекси – ўртача ҳар ўн ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
- 9) Ер кодекси – ўртача ҳар ўн ойда бир мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

-  10) Уй-жой кодекси – ўртача ҳар бир йилда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  11) Бюджет кодекси – ўртача ҳар уч ойда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  12) Божхона кодекси – ўртача ҳар уч ойда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  13) Фуқаролик процессуал кодекси – ўртача ҳар икки ойда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  14) Иқтисодий процессуал кодекси – ўртача ҳар икки ойда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  15) Маъмурий суд ишларини юриш тўғрисидаги кодекс – ўртача ҳар уч ойда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  16) Сайлов кодекси – ўртача ҳар тўрт ярим ойда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  17) Солиқ кодекси – ўртача ҳар бир ярим ойда бир маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
-  18) Шаҳарсозлик кодекси – ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган.







## Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ–4947-сон Фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланган.**

Мазкур стратегияда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича белгиланган муддатлар яқунланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.






Ушбу Фармонда қуйидагилар тасдиқланди:

- ➔ 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси;
- ➔ 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини

улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастури;

- ➔ 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси таркиби;
- ➔ 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг ишчи гуруҳи таркиби.

**Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида юзта мақсадни ўз ичига олувчи қуйидаги еттита устувор йўналишлар назарда тутилган:**

-  1) инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
-  2) мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
-  3) миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
-  4) адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
-  5) маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;
-  6) миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;
-  7) мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида **398** та банддан иборат чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Ушбу “Йўл харитаси”да **300** га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини, хусусан **40** га яқин қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда **250** га яқин амалий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Фармон лойиҳаси қуйидаги учта манбада жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун жойлаштирилди:

## 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (Regulation.gov.uz)

The screenshot shows the Regulation.gov.uz portal interface. At the top, there is a navigation bar with the portal name and language options. Below this is a table with the following columns: ID, Loyiha yaratuvchi, Muhokamaga chiqarish sanasi, Yakunlanish sanasi, Takliflar soni, and a set of action buttons (Korrupsiyaga qarshi ekspertiza, Gender ekspertiza, So'rovnomalar). The table contains one row with ID 55274, created by the Ministry of Justice, with a submission date of 30/12/2021 and a completion date of 14/01/2022. Below the table, there are language options (Ўзбек, Русский, Tahliliy materiallar) and a document viewer area showing a document titled "ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ФАРМОНИ" (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan) regarding the strategy for 2022-2026.


ID	Loyiha yaratuvchi	Muhokamaga chiqarish sanasi	Yakunlanish sanasi	Takliflar soni	Buttons
55274	Ўzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi	30/12/2021	14/01/2022	489	Korrupsiyaga qarshi ekspertiza, Gender ekspertiza, So'rovnomalar

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси 2021 йил 30 декабрдан 2022 йил 14 январга қадар Норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (Regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилиб, портал орқали жамоатчилик вакилларида 500 га яқин таклифлар келиб тушди.

Фармон лойиҳаси бўйича жами **1 276** та сўровнома тўлдирилиб, шундан **794** та ҳолатда умумий сўровномада, **228** та ҳолатда гендер ҳуқуқлари бўйича сўровномада, **254** та ҳолатда коррупцияга қарши сўровномада фикрлар билдирилган.

## 2. “Тараққиёт стратегияси” марказининг 2022-2026.strategy.uz веб-сайти.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси “Тараққиёт стратегияси” марказининг 2022-2026.strategy.uz веб-сайтида муҳокамага қўйилди.

“Тараққиёт стратегияси” марказининг 2022-2026.strategy.uz веб-сайти орқали жами бўлиб **12** мингдан ортиқ изоҳлар қолдирилган.

### 3. Жамоатчилик онлайн платформаси.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси Жамоатчилик онлайн платформасида ҳам муҳокамага қўйилиб, **900** дан ортиқ изоҳлар қолдирилди.



LEGAL FRAMEWORK  
OF REFORMS:

**FROM ACTION STRATEGY TO  
DEVELOPMENT STRATEGY**





UDC: 323:34(575.1)(083.7)

LBC: 66.3(5Ў)

И 80

**Sufieva D., Ergasheva G., Nusratov S., Ismoilov I., Khamroev S., Khamdamov A.**

Legal framework of reforms: From Action Strategy to Development Strategy / D.Sufieva, G.Ergasheva, S.Nusratov, I.Ismoilov, S.Khamroev, A.Khamdamov. - Tashkent: , 2022. - 87 p.

